

ТУRSUNOV Жаҳонгир Пулатович,
Тошкент молия институти, “Пенсия иши”
кафедраси ўқитувчиси,

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

УДК 331.255

ТУRSUNOV Ж.П. ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Мақолада Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, жаҳонда мавжуд пенсия тизими моделлари ёритилган, хорижий мамлакатларнинг пенсия тизимлари ўрганилган, жумладан, дунё мамлакатларининг пенсия таъминотларига қилаётган харажатлари ва бошқа пенсия тизимига оид кўрсаткичлар таҳлил қилинган ҳамда хориж тажрибасини қўллаган ҳолда мажуд пенсия тизимидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: пенсия таъминоти тизими, ўртача умр кўриш ёши, ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсияси, авлодлар бирдамлиги, жамғариб бориладиган пенсия тизими, пенсия ёши, Бисмарк модели, Беверидж модели, ижтимоий йўналтирилган модел, мажбурий пенсия суғуртаси, ихтиёрий пенсия тизими.

ТУRSUNOV Ж.П. ХАРАКТЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМЫ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

В статье раскрыты особенности системы пенсионного обеспечения Узбекистана, рассмотрены действующие модели пенсионных систем, изучены системы пенсионного обеспечения зарубежных стран, в том числе расходы, осуществляемые на пенсионное обеспечение странами мира и проделан анализ показателей, характеризующих пенсионную систему, разработаны предложения и рекомендации по решению проблем пенсионной системы с учётом зарубежного опыта.

Ключевые слова: система пенсионного обеспечения, средняя продолжительность жизни, пенсия по возрасту, пенсия по инвалидности, пенсия по потере кормильца, солидарность поколений, накопительное пенсионное обеспечение, пенсионный возраст, Бисмарковская модель, Бевериджская модель, социально-ориентированная модель, обязательное пенсионное страхование, добровольное пенсионное страхование.

TURSUNOV J.P. CHARACTERISTIC FEATURES OF THE PENSION SECURITY SYSTEM IN UZBEKISTAN AND FOREIGN EXPERIENCE

The article reveals the peculiarities of the pension system in Uzbekistan, considered the current model of pension systems, the pension systems of foreign countries were studied, including the costs of pension provision by the countries of the world and the analysis of indicators, developed proposals and recommendations for solving the problems of the pension system, taking into account foreign experience.

Keywords: pension system, average life expectancy, old-age pension, disability pension, survivor's pension, solidarity of generations, funded pension provision, retirement age, the Bismarck model, Beveridge model, socially-oriented model, compulsory pension insurance, voluntary pension insurance.

Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштириш даврида ижтимоий ҳимоя институтларидан бири ҳисобланмиш пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2017 йилги “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” ҳамда 2018 йилги “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурларида ҳам ушбу тизимни ривожлантиришга доир бир қанча вазифалар белгилаб қўйилган. Ушбу ислохотлар замирида инсонга муносиб турмуш шароитларини яхшилаш ётади.

Ўзбекистонда авлодлар бирдамлиги тизими амал қилиб, пенсия таъминоти 1993 йилда қабул қилинган ва ҳозирга қадар бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки фуқароларнинг тегишли меҳнат фаолиятдан кейин қариганда қўшимча маблағга эга бўлиши учун 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ҳузурида жамғариб бориладиган пенсия ташкил этилди. Ҳозирги кунда республикада пенсия таъминотининг хусусий шакллари мавжуд эмас.

Мамлакатимизда қонунга кўра давлат пенсияларининг 3 тури мавжуд бўлиб, булар:

- ёшга доир пенсия;
- ногиронлик пенсияси;
- боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Қонун пенсия таъминоти учун икки асосий талабни белгилайди – пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи шартнинг мавжудлиги (пенсия ёшига етиш, ногирон бўлиб қолиш, боқувчисини йўқотиш), зарур иш стажининг мавжудлиги. Айтиб ўтилган талаблардан бирортасининг йўқлиги эса пенсия таъминоти ҳуқуқининг йўқотилишига олиб келади.

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин, давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига

эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

- эркалар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;
- аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар¹.

Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камида 7 йил иш стаж мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Маълумки, жаҳон амалиёти пенсия тизимининг икки асосий тури фарқланади:

- Авлодлар бирдамлиги яъни ҳамкорликдаги масъулият тизими, бунда ишлаб турган авлод олдинги авлодга пенсия тўловларини молиялаш учун бадаллар тўлайди (ўз навбатида кейинги авлод ҳозирги ишлаб турганлар пенсия тўловларини молиялаштиради);


- жамғариш тизими, бунда ҳар бир ишлаб турган киши ўзининг кексалиқдаги таъминоти учун маблағларни ўз меҳнат фаолияти мобайнида жамғариши керак.

Бу икки пенсия тизими Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, фуқаролар пенсия таъминоти ушбу пенсия тизимлари билан қамраб олинган.

Кўпгина мамлакатларда пенсия тизимини молиявий барқарорлаштириш муаммосининг ечими пенсия ёшининг оширилишидадир, деб қаралмоқда. Бу ривожланган ғарб мамлакатлари учун жуда муҳимдир, чунки ҳаётнинг ўртача давомийлиги анчагина юқори, аҳоли кексайиб бормоқда, пенсионерлар ва ишлаб турганлар нисбати, яъни боғлиқлик оғишмай ортиб бормоқда.

“Бугун сайёрамизда ҳар сонияда ўртача икки киши 60 ёшга тўлмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) берган маълумотларга кўра, XXI аср ўрталарига келиб, ерда 100 ёшдан ошганлар сони 3,2 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Жаҳонда инсоннинг ўртача умр кўриш ёши 1950 йилда 47 ёш бўлган бўлса,

¹Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09.1993 йил Қонуни. Манба: www.lex.uz

1-расм. Пенсия тизимларининг кўринишлари¹

2010 йилда бу рақам 69 ёшга етди. 2050 йилда бу кўрсаткич 76 ёшни, 2100 йилга бариб эса 85 ёшга етиши кўтилмоқда²

Жадвал маълумотларида дунёнинг тараққий этган мамлакатларида аҳоли таркибида 60 ва ундан юқори ёшдагиларнинг улуши йиллар кесимида ўсиб бориши прогноз қилинган. Бу эса пенсия тизимида маълум бир ислохотлар олиб борилишлигини тақозо этади. Бундай шароитда пенсия ёшини ошириш масаласини, у ҳозирда анчагина юқорилиқдан қатъи назар, қайта кўриб чиқилиши ҳақиқатан ҳам ижобий натижалар бериши мумкин.

Молиявий ва иқтисодий беқарорлик ва аҳолининг демографик таркибида салбий ўзгаришлар пенсия таъминоти муаммосини янада долзарб муаммога айлантиради. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида пенсионерлар етарли даражада турмуш даражаси билан таъминланмаган. Шунинг учун аксарият мамлакатларда аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш

механизмларидан бири бўлган пенсия таъминотини ислоҳ қилиш жараёни кетмоқда.

Ривожланган мамлакатларда, пенсия таъминоти ижтимоий йўналтирилган, классик ва либерал-демократик моделларга бўлинади. Классик "Бисмарк модели"га кўра (Германия, Испания, Франция), пенсия тизими нафақахўрлар фойдасига меҳнат қилаётган фуқаролардан йиғиб олинган тўланган бадаллар суммасига қараб қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширилади. Либерал-демократик "Беверидж модели"нинг хусусияти шундаки (Буюк Британия, АҚШ, Япония) бой қатлам вакилларида кам таъминланган фуқароларга тўловларни, хусусан, солиқлар орқали минимал пенсия суммасини қайта тақсимлаш ҳисобланади. Ижтимоий йўналтирилган модел (Швеция, Норвегия, Дания) бағри кенглик хусусиятларини ва жамғарилиб бориладиган пенсия тизимини бирлаштиради.

Шуни қайд этиш лозимки, дунёда бир-бири билан ўхшаш бўлган пенсия тизимлари мавжуд эмас. Уларнинг барчаси давлатнинг иқтисодий ривожланганлиги, пенсия тизими таркибий даражаси, молиявий ресурсларни шакллантириш ва марказлаштириш даражасига қараб ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади.

Жадвалда бир қанча мамлакатларнинг пенсия таъминотига сарфлаётган харажатларининг ЯИМдаги улушлари ва 2050 йилга бо-

¹Вахабов А.В. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. "Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш" мавзусида республика илмий-амалий конференция. - Тошкент.: "Университет". 2017. 4-11 б.

²National officials, OECD calculation and Turner, Paris, France.2016. – P. 231.

1-жадвал. Жами аҳоли таркибида 60 ёш ва ундан катта ёшдагиларнинг улуши¹

| Мамлакатлар | йиллар | | | | | | |
|---------------|--------|------|------|------|------|------|------|
| | 1980 | 1990 | 2000 | 2010 | 2020 | 2030 | 2040 |
| Германия | 15,5 | 15,5 | 17,1 | 20,4 | 21,7 | 25,8 | 27,6 |
| Франция | 14,0 | 13,8 | 15,3 | 16,3 | 19,5 | 21,8 | 22,7 |
| Италия | 13,5 | 13,6 | 15,3 | 17,3 | 19,4 | 21,9 | 24,2 |
| Буюк Британия | 14,9 | 15,1 | 14,5 | 14,6 | 16,3 | 19,2 | 20,4 |

2-жадвал. Дунё мамлакатларининг пенсия таъминотига қилаётган харажатларининг улуши²

| Мамлакатлар | ЯИМга нисбатан фоизда 2010 й. | ЯИМга нисбатан фоизда 2050 й. | Фарқи |
|------------------|----------------------------------|----------------------------------|-------|
| Люксембург | 9,2 | 18,1 | 8,9 |
| Бразилия | 8,5 | 15,8 | 7,3 |
| Белгия | 11,0 | 16,7 | 5,7 |
| Саудия Арабистон | 2,2 | 7,1 | 4,9 |
| Жанубий Корея | 0,9 | 5,5 | 4,6 |
| Туркия | 7,3 | 11,4 | 4,1 |
| Россия | 7,1 | 7,5 | 0,4 |
| Дания | 10,1 | 9,6 | -0,5 |
| Ҳиндистон | 1,7 | 0,9 | -0,5 |
| Полша | 11,8 | 10,0 | -1,8 |

риб ушбу харажатларни қанчага оширишлиги бўйича прогноз маълумотлар келтирилган бўлиб, доимгидек аҳолининг фаровонлиги индекси бўйича дунёда юқори ўринда турадиган Люксембург давлати бунда ҳам пенсия таъминотига ажратаётган бюджет маблағлари бўйича биринчи ўринни яъни 2010 йилда 9,2 фоизни ташкил қилган бўлса, келажакда бу кўрсаткич 18,1 фоизга ошириш режалаштирилмоқда. Аксарият мамлакатлар эса ушбу харажатлар улушини камайтириш режасини тузиб чиқишмоқда.

Энди хорижий мамлакатлар мисолида пенсия тизимларини таҳлил қиламиз.

Канада пенсия тизими ўзининг тузилиши, ишлаш механизми билан жаҳонда энг профессионал пенсия тизимларидан бири ҳисобланади. Канадада пенсия тизими тўғрисида қонун 1695 йилда ишлаб чиқилган

¹Волошина А.Ю. Мировой опыт развития пенсионных систем: общемировые тенденции и межстрановые различия // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва. 2007. – 27 стр.

²Доклад ОЭСР "Pensions at a Glance 2013" в рейтинге учитывались страны ОЭСР и G20. Париж, Франция. 2013 г.

бўлиб, 1966 йил 1 январдан кучга кирган. Бу қонун федерал ҳукумат даражасида қабул қилинган бўлсада, лекин ҳар бир провинция ўз ижтимоий аҳволдан келиб чиқиб ўз қонунини ишлаб чиқишга руҳсат берилган. Бироқ, ҳозирги кунда бу ҳуқуқдан фақат Канаданинг Квебек (Quebec) провинцияси фойдаланиш ҳуқуқига эга. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Канадада давлат пенсияси бошқа пенсия турларидан солиқлардан озод қилинганлиги билан ажралиб туради.

Канада пенсия тизими асоси уч элементдан иборат:

Биринчиси – бу кексаликни таъминлаш дастури (**Old Age Security program**) ҳисобланиб, 1952 йилда жорий қилинган. Ушбу дастур бўйича кексалар умумий тартибда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пенсия билан таъминланади. Дастур доирасида 65 ёшга тўлган барча Канада фуқароларига, шунингдек, маълум вақт мобайнида Канадада яшаб келаётган ва меҳнат қилган барча кексаларга пенсиялар тўланади.

Иккинчиси – бу Канаданинг асосий пенсия режаси бўлиб, 1960 йилда ташкил топган. Кве-

3-жадвал. Хорижий мамлакатларнинг пенсия тизимига оид кўрсаткичлари¹

| Мамлакатлар | Пенсияга чиқиш ёши | | Ўртача умр кўриш ёши | Ўртача пенсия миқдори (\$/ойига) | Пенсия учун иш ҳақидан ажратмалар фоизда | | |
|-------------|--------------------|-------------|----------------------|----------------------------------|--|----------------|----------------------|
| | Эркак | Аёл | | | Иш ҳақидан | Ишчининг улуши | Иш берувчининг улуши |
| Италия | 66 йил 7 ой | 66 йил 7 ой | 80,2 | 583 | 33,0 | 9,2 | 23,8 |
| Хитой | 60 | 55/50 | 72 | 120 | 28,0 | 8,0 | 20,0 |
| Россия | 60 | 55 | 70 | 285 | 22,0 | 0,0 | 22,0 |
| Япония | 65 | 65 | 82,1 | 717 | 16,8 | 8,4 | 8,4 |
| Франция | 62,5 | 62,5 | 76 | 700 | 16,7 | 6,8 | 9,9 |
| АҚШ | 67 | 65 | 79 | 1200 | 10,4 | 4,2 | 6,2 |
| Канада | 65 | 65 | 82 | 667 | 9,9 | 5,0 | 5,0 |
| Ўзбекистон | 60 | 55 | 74,6 | 55 | 32,8 | 8,0 | 24,8 |

бек провинцияси пенсия тизими билан деярли бир хил.

Канаданинг мазкур пенсия режаси мажбурий умуммиллий дастур ҳисобланиб, иш берувчи ва ходим томонидан тенг миқдорда тўланадиган солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда давлатнинг хиссаси умуман мавжуд эмас.

Учинчиси – бу ихтиёрий тартибдаги пенсия дастури ҳисобланиб, бунда хусусий пенсия фондлари муҳим рол ўйнайди. Хусусий пенсия фондлари иш берувчилар, касаба уюшмалари ёки саноат бирлашмалари томонидан молиялаштирилади, шунингдек, тижорат банклари, суғурта компаниялари ва шу каби молия институтлари томонидан ҳам бошқариладиган шахсий пенсия ҳисоблари мавжуд.

Буюк Британия пенсия тизими уч босқичдан иборат ва иқтисодий жиҳатдан дунёда энг самарали тизимлардан бири ҳисобланади². Биринчи босқич хизмат даврига ва иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлмаган, пенсия ёшига етганда тўланадиган давлат пенсияси ҳисобланади. Иккинчи даражали пенсия тизими меҳнат стажига ва ишчининг иш ҳақи миқдорига боғлиқ давлат пенсияси ҳисобланади. Давлат пенсияси дастури аъзоси бўлишни хоҳламайдиганлар эса қўшимча пенсия таъминоти дастурларидан бирига қатнашишлари шарт ҳисобланади. Учин-

чи даража пенсия тизими эса Буюк Британияда машҳур бўлган нодавлат пенсия таъминоти ҳисобланади. Унда муҳим ролни суғурта компаниялари ўйнайди.

Шахсий пенсия ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги жамоавий шартнома асосида тuzилади ва унга кўра ойлик маошдан белгиланган миқдорда пенсия ва нафақа тўловлари учун маблағ чегириб қолинади ва пенсия тўлови шакллантирилади. Таъкидлаш лозимки, хусусий пенсия тизимида иштирок этиш пенсияни юқори суммада олиш ва пенсия учун тўлов миқдорини аниқлаш имконини беради. Ҳозирги кунда Буюк Британияда пенсия ёши эркаклар учун 65 ёш, аёллар учун эса 60 ёш этиб белгиланган. 2018 йил аёллар учун пенсия ёшини 60 ёшдан 65 ёшгача, умумий тартибда эса эркаклар ва аёллар учун пенсия ёшини 2020 йилга қадар 66 ёшгача ошириш, кейинги йилларда эса 68 ёшга ошириш режалаштирилмоқда. Меҳнат стажига келадиган бўлсак, 1945 йил 6 апрелгача туғилган эркаклар учун ва 1950 йил 5 апрелдан кейин туғилган аёллар учун пенсияга чиқиш учун меҳнат стажи 44 йил, 1950 йил 6 апрелгача туғилган аёллар учун 39 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши тўлиқ давлат пенсиясини олиш учун асос бўла олади.

Умумий қилиб олганда, дунё мамлакатларида пенсия тизимини ислоҳ этиш ҳар кунгиданда долзарб масалага айланиб бормоқда. Хориж тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Булар:

¹ Pensions at a Glance 2013. OECD AND G20 INDICATORS, Paris, France. 26 nov 2013. – P. 368.

² Официальный сайт НПФ «Відкритий пенсійний фонд «ФРІФЛАЙТ» [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.npff.com.ua/uk/pensionpoeobespecheniein-ukraine/worldexperience2.html>

– Мамлакатимизда миллий пенсия тизимининг аниқ бир концепсиясини ишлаб чиқиш керак;

– Фуқаролар қариганда уларни моддий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида хориж тажрибасини ўрганган ҳолда хусусий пенсия фондларини (давлат кафолати остида) ташкил қилиш мақсадга мувофиқ;

– Республикаимизда фаолият кўрсатаётган акционерлик компанияларида аҳолининг кўпгина қисми бандлигини ҳисобга олиб, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ушбу тизимда меҳнат қилувчи ишчи-ходимларга маълум бир муддат ишлагандан сўнг уларга давлат пенсиясига қўшимча равишда ҳар ойлик устамалар белгилаш орқали корпоратив пенсияни жорий қилиш айти мудидао. Масалан, бир ишчи 5 йилдан 10 йилгача бир компанияда меҳнат қилса, оладиган пенсия

миқдорига нисбатан 10 фоиз устама ҳақ қўшиб бериш ёки 10 йилдан 15 йилгача меҳнат қилса 15 фоиз миқдорда ва шу каби йўл орқали амалиётга тадбиқ қилиш керак;

– Ҳозирги кунда жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, кўплаб тараққий этган мамлакатлар ёки МДҲ мамлакатларининг кўпчилиги пенсияга чиқиш ёшини оширишмоқда. Чунки, бир қанча омиллар сабаб (демографик, сиёсий, молиявий-иқтисодий инқирозлар ва б.) бу каби ислохотлар амалга оширилмоқда. Бизда ҳам ўртача умр кўриш ёшининг ошаётганлиги ёки пенсия ёшидан кейинги ҳаёт давомийлигининг юқорилигини ҳисобга олиб, пенсияга чиқиш ёшини ошириш яъни эрактларда 63 ёш ва аёлларда 58 ёш қилиш зарур деб ҳисоблайман. Бу эса Пенсия жамғармаси маблағларини тежалишига ҳам олиб келади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09.1993 йил Қонуни. Манба: www.lex.uz
2. Вахабов А.В. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. “Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусида республика илмий-амалий конференция. - Тошкент.: “Университет”. 2017. 4-11 б.
3. National officials, OECD calculation and Turner, Paris, France. 2016. – P. 231.
4. Волошина А.Ю. Мировой опыт развития пенсионных систем: общемировые тенденции и межстрановые различия // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва. 2007. – 27 стр.
5. Доклад ОЭСР “PensionsataGlance 2013” в рейтинге учитывались страны ОЭСР и G20. Париж, Франция. 2013 г.
6. Официальный сайт НПФ «Відкритий пенсійний фонд «ФРІФЛАЙТ» [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.npf-ff.com.ua/uk/pensionnoeobespechenieinukraine/worldexperience2.html>
7. Pensions at a Glance 2013. OECD AND G20 INDICATORS, Paris, France. 26 nov 2013. – P. 368.